

И. Глауберзон фотоси.



ЛЕНИН САХИФАСИ

В. И. ЛЕНИН ва Коммунистик партия Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ўлка халқларининг истиқболи тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилдилар. Доҳийнинг ташаббуси билан тузилган Турккомиссия ўлкада партия ва совет ишларини яхшилашда, босмачиларни тор-мор этишда, социалистик жамият қуришдаги ушбу курашга халқ оммасини кенг сафарбар этишда гўяда катта роль ўйнади. Ушбу саҳифада Лениннинг Турккомиссия фаолиятига раҳбарлиги ва бу комиссиянинг жанговар ишлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

БУЮК РАҲНАМО

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДАГИ аҳволнинг ниҳоятда оғирлигини ҳисобга олиб В. И. Ленин, РКП(б) Марказий Комитети, Совет ҳукумати Туркистон Коммунистик партиясига, ҳукуматига ва халқларига ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида катта иш таърибасига эга бўлган, илгор революцион назария билан ҳар томонлама қуролланган, кўзга кўринган талантли партия-давлат арбобларидан бир гуруҳини ўлкага юборишни маълум топдилар.

1919 йилнинг 12 февралда РСФСР Халқ Комиссарлари Совети доҳийнинг ташаббуси ва тақлифига асосан РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон муваққат Комиссиясини тузиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Бу комиссия составига Ш. З. Эллава (раис), П. А. Кобозев, А. С. Ниселевлар киритилди. Шу қарор қабул қилинган куннинг эртасига РКП(б) Марказий Комитети Комиссияга ҳар томонлама кенг партия ваколатини бериш тўғрисида, кейинчалик эса Бутуроссия Марказий Ижроия Комитети ҳам бу комиссияга Советлар ваколатини бериш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Туркистондаги ҳарбий ҳолат жиддийлиги сабабли комиссия аъзоларидан фақат П. А. Кобозев 1919 йилнинг 3 мартда ўлкага келди, комиссиянинг Оренбургдан қолган аъзолари эса Туркистонни саноат моллари, машина-ускуналар, кадрлар билан таъминлаш соҳасида анча катта иш олиб бордилар.

Ленин ва партия Марказий Комитети қайси йул билан бўлисини Туркистонга ҳар тарафлама ёрдамни қўйиштириш чораларини кўрдилар. 1919 йилнинг 17 мартда РКП(б) Марказий Комитетининг В. И. Ленин иштирокида ўтган Пленуми яна шу масалани муҳокама қилди, Турккомиссиянинг ҳамма аъзоларини Туркистонга теда етиб боришлари тўғрисида қарор қабул қилди.

РСФСР Халқ Комиссарлари Совети ҳам В. И. Лениннинг тақлифига биноан Туркистондаги аҳвол тўғрисидаги масалани кўриб чиқди ва Туркистон комиссиясини тузиш масаласини ҳар томонлама ишлаб чиқиш учун М. Ф. Владимирский (раис), Г. В. Чичерин, В. П. Милотин, С. И. Гусев, Н. К. Нармановлардан иборат комиссия тuzилди. Кейинчалик комиссия составига В. П. Носов киритилди. Бу комиссия В. И. Ленин раҳбарлигида катта иш олиб борди. В. И. Ленин комиссия иши билан доим қўриқлар, қимматли маслаҳатлар беради, йўл-йўриқлар кўрсатди. Комиссиянинг иши доимо доҳий раҳбарлигида РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг мажлисларида муҳокама қилинган.

1919 йил 8 октябрда В. И. Ленин Бутуроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон Комиссиясини (Турккомиссия) тузиш тўғрисидаги қарорига қўл қўйди. Комиссия составига дастлаб Ш. З. Эллава (раис), В. М. Фрунзе, В. В. Кубишев, Ф. И. Голощеник ва Я. Э. Рудзутак киритилди. Турккомиссиянинг состави вазиётга, қўйилган масалаларга қараб ўзгариб турган.

Турккомиссиянинг тузилиши Туркистон коммунистлари ва халқлари ҳаётида катта воқеа бўлди ва ўлкада партия, совет ташкилотларини мустаҳкамлаш, социализм қуришда катта роль ўйнади. Турккомиссиянинг раиси ла воқеада В. Н. Кубишев, Я. Э. Рудзутак, А. А. Носов, С. И. Гусев ва бошқалар ишладилар. Турккомиссиянинг аъзолари П. А. Кобозев, В. П. Носов, Д. Ю. Гопнер ва бошқалар бўлган. Турккомиссия аъзоларининг гувоҳно, маларини шахсан В. И. Ленин ичозлашди.

В. И. Ленин, РКП(б) Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг тақлифига биноан Турккомиссия составига туркистонлик аҳоли партия, совет арбоблардан Абдулла Раҳимов, Назир Туракулов, Кайғиз Отабоев, Т. Раскулов, Ю. Иброҳимов, Султанбек Ходжоневлар киритилди. 1921 йилда В. И. Ленин томонидан имзоланиб, Н. Туракуловга берилган гувоҳномада «Ушбуни кўрсатувчи ўртоқ Туракулов Халқ Комиссарлари Советининг 29 март қарорига асосан Турккомиссиянинг аъзоси қилиб тасдиқланган» дейилган.

Турккомиссия ўлкада юборилиши муносабати билан В. И. Ленин «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» деган хат билан мурожаат қилди. Бу хатда: «Туркистон халқлари билан тўғри муносабат бўлган эндиликда Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун, ҳеч мунозарасиз айтиш мумкин, жуда катта жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир.

Совет ишчи-деҳқон республикасининг кучи, шу дамгача эзилган маълум халқларга муносабати бутун Осиё учун ва жаҳондаги ҳамма мустамлакалар учун, миллион-миллион кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлади» дейилган.

В. И. Лениннинг мактуби коммунистлар ва ўлканинг ҳамма меҳнаткашлари учун жанговар программа бўлди. Туркистон коммунистлари доҳийга ёзган жавоб хатларида уларнинг бутун кучини доҳийнинг кўрсатмаларини амалга оширишга, социализм қуришдаги ушбу курашга сафарбар этишга тайёр эканлигини билдирдилар. 1920 йилнинг январда бўлиб ўтган V ўлка партия конференциясида Туркистон коммунистлари номидан В. И. Ленинга ёзилган хатда: «... Сизга, кадрлар ўртоқ, тантанали вазада бериб айтмоқчи, биз РКП(б) Марказий Комитетининг барча кўрсатмаларига амал қиламиз, унинг барча директиваларига қатъий риоя қиламиз ва қанчалик кийин бўлисин ва қанчалик қурбонлар ва куч қайрат талаб қилинмасин, Шарқни империализм зулмидан қутқаришдек буюк ишни бажарамиз» дейилган эди.

В. И. Ленин раҳбарлигида Турккомиссия ўлкада жуда катта иш олиб борди, бу Туркистон республикасини тарихида миннатдорчилик билан қайд этилгандир.

ЖАНГОВАРЛИК НАМУНАСИ

ТУРККОМИССИЯНИНГ асосий вазифаси — ўлка партия, совет ташкилотларини мустаҳкамлаш, ленинча миллий сийосатни яхшилик билан амалга ошириш эди. В. И. Ле-

нининг «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» хати ва Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг II Бутуроссия съезидида (1919 йил 22 ноябрь) қилган доклады Турккомиссия ишига жанговар программа бўлди.

Турккомиссия биринчи навбатда ўлка партия ташкилотларини гўяни ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва унинг социалистик қурилишга раҳбарлик ролини янада юқори кўтаришга катта эътибор берди.

Турккомиссия ўлка партия ташкилотларини мустаҳкамлаш мақсадида Туркистон Компартияси ва маҳаллий ташкилотларнинг ишларини чуқур ўрганди, уларнинг фаолияти тўғрисида, ги масалалар Турккомиссия мажлисларида,

Ленин РКП(б) Марказий Комитети Сийсий бюросининг комиссияси томонидан тайёрланган РКП(б)нинг Туркистондаги вазифалари тўғрисидаги лойиҳага жуда қимматли фикрлар, мулоҳазалар киритган.

РКП(б) Марказий Комитети Сийсий бюросининг йиғилишларидан бирида В. И. Ленин Туркистонга онд масалалар қуришдаги мусулмон халқларга максимал равишда ишончи керак, Турккомиссия эса, актив мусулмон ходим, лари билан бирликти ишлаши керак, деган эди. Унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида 1920 йилнинг 29 июнида РКП(б) Марказий Комитетининг Сийсий бюроси РКП(б)нинг Тур-



Суратда: рассом И. В. Борачев томонидан яратилган картина. Бунда В. И. Лениннинг М. В. Фрунзе билан суҳбатлашув ўтиргани аниқ эътирибган, Рассом бу асарини «Қизил Армия тақдирини ҳақида» деб атаган.

ЛЕНИН ВА ТУРККОМИССИЯ

кенгашларида муҳокама қилинди. Турккомиссия аъзолари юборилганда бориб, партия, совет ташкилотларининг ишига амалий ёрдам берди. Бу эса фақат партия ташкилотларининггина эмас, балки Советлар ишнинг ҳам яхшиланшига имкон берди. Шунинг ҳам эслатиб ўтиш керакки, ўлка маҳаллий совет ташкилотларининг ҳисоботи ҳам Турккомиссияда тингланган ва йўл-йўриқлар берилган. Турккомиссия партия ташкилотларини ёт унсурлардан тозалашга кўмаклашди, партия ва совет ташкилотлари ишида йўл қўйилган қамчиликларни бартараф этишда катта иш қилди.

Турккомиссия ташкилотчилик ишлари билан бирга кенг миқёсда сийсий-тарбиявий иш олиб бориши сабабли оммави соҳилистик руҳда тарбиялаш борасида анча олға сиқилиш юз берди. В. И. Лениннинг мақола ва асарлари Туркистон халқлари тилига таржима қилиниб, нашр этилиши ўлка гўяни ҳаётида катта воқеа бўлди.

В. И. Ленин, РКП(б) Марказий Комитети Турккомиссиянинг Туркистон ўлка партия комитети, мусулмонлар бюроси ва чет эл коммунистлари ўлка комитетини ягона Туркистон Коммунистик партиясига бириктириш соҳасидан ишнинг маълумлашлар.

Турккомиссия В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, ўлкада миллий масалани фақат пролетар интернационализм позициясида туриб ҳал этишга ниҳоятда катта эътибор бериб феодализм, мустамлакачилик қолдиқларини тутатиш, халқларнинг тенг ҳуқуқини таъминлаш иши билан чуқур шуғулланди.

Ўлкада ленинча миллий сийосатни амалга оширишда Турккомиссия бир қанча қийинчиликларга дуч келди. Айниқса, улут давлат шоя, ленинча миллий миллатчилик оқимлари ленинча миллий сийосатга оқиндан-оқин қарши қилиб, меҳнаткашлар ўртасида ишонсизлик кайфиятини тулдирди. Шу бери унинг ҳам, Турккомиссия В. И. Ленин ва партия кўрсатмаларига амал қилиб, улут давлат зарба елишма, маҳаллий миллатчиликка зарба беришга қаратилган тадбирларини ишлаб чиқди. Жумладан, Еттисув, Фарғона областларида, Тошкент шаҳрининг баъзи районларида Турккомиссия улут давлат шоянинг билан захарланган кишиларни ўз вақтида фой қилиб тақдирлаш, жойларда маҳаллий миллатчилик оқими билан захарланган кишиларга қарши катта зарба берди. Бу эса ўлка халқларининг дўстлиги ва бирлигини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади.

В. И. Ленин Туркистоннинг истиқболини олдиндан кўрган эди. Шунинг учун ўлкага онд халқ бир масалага жуда қизиқиб қаради. 1920 йилнинг май-июн ойларида В. И. Лениннинг иштирокида ўтган РКП(б) Марказий Комитетининг Сийсий бюросида Туркистонга онд масалалар 4 марта қўрилиб чиққан бўлиб, биринчи далайидир. Доҳий Туркистон масалалари юзасидан Турккомиссия аъзолари Я. Э. Рудзутак, Ш. З. Эллава ва Туркистон делегацияси аъзолари Т. Раскулов, Нисомидин Хўжаев, Г. Бек-Низомовлар билан суҳбат ўтказган. У Туркистон делегациясининг доклады билан чуқур танишиб, ўз мулоҳазаларини билдирган, докладынинг миллий масала тўғрисидаги қисмининг алоҳида эътибор билан ўрганиб чиққан эди. Доҳий Туркистон масалалари бўйича Марказий Комитет ва Совет ҳукуматига таъйинланган қарорлар лойиҳаларини шахсан ўзи кўриб чиқар, фикр-мулоҳазаларини айтган, Сийсий бюрода нутқлар сўзларди. В. И.

кистондаги вазифалари юзасидан тўртта махсус қарор қабул қилди.

РКП(б) Марказий Комитети Туркистондаги баъзи раҳбарларнинг миллий масаладаги халоларини тузатиб, Туркистон коммунистларининг ва халқларининг истиқоли ўзида ифода этган қарор қабул қилган эди. Бу қарорда ўлкада партия-совет ташкилотлари ишнинг янада яхшилаш, халқ ҳўжалигини тиклаш, феодализм ва мустамлакачилик қолдиқларини тутатиш, ленинча миллий сийосатни яхшилик билан амалга ошириш, ўлкада социализм қуриш таъминлаш вазифалари конкрет белгилар берилди. Туркистон коммунистлари бу қарорни яқдиллик билан маъқуллаб, уни амалга ошириш учун бутун кучларини сафарбар қилдилар.

1921 йилда баъзи раҳбар лавозимдаги ходимлар Турккомиссиянинг тутатиш масаласини кўтариб чиққан эдилар. Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. Туракулов, Туркистон Компартияси Марказий Комитети ва Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг аъзолари Т. Ғабобоев, С. Қосим-хўжаевлар бу нотўғри мулоҳазани В. И. Ленин ҳузурига бориб маълум қилдилар ва Турккомиссия ўлка ижтимоий-сийсий ҳаётида ниҳоятда катта роль ўйнаётганлиги тўғрисида ёзма маълумот бердилар. 1921 йилнинг 21 мартда В. И. Ленин иштирокида РКП(б) Марказий Комитети Сийсий бюроси Туркистон коммунистларининг илтимосини маълум деб топди ва Турккомиссия ўз фаолиятини давом эттириши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилди.

В. И. Ленин 1921 йилнинг 29 мартда Халқ Комиссарлари Советининг Ишлар мудиринга «Марказий Комитет секретариатидан Турккомиссиянинг (Туркистон комиссиясининг) состави тўғрисидаги қарор текстини (ва номларини) сураб олинг» деб хат ёзган эди. Шу киичи ҳужжатнинг ўзи ҳам доҳий Турккомиссия, ўлканинг кедалик истиқболни тўғрисида қанчалик таҳминлар қилганлигини кўрсатиб турибди.

ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР

1919 йилда Туркистоннинг кўп жойларида босмачилар ҳаракати кўчган эди. Бу эса ўлкадаги аҳволни ниҳоятда жиддийлаштириб юборди. Шу босмачилар Ленин ва партия Туркистонда босмачилик ҳаракатини тор-мор этиш чораларини белгилашди. 1918 йилда Туркистон Ҳарбий округи ташкил этилган бўлса, 1919 йилда В. И. Ленин раҳбарлигида Туркистон фронти ташкил қилинди. Бу фронтнинг ташкил топиши ўлкадаги ички ва ташқи душманларни тақоман тор-мор қилишда жуда катта роль ўйнади.

Ўлкада босмачиларни тутатиш Турккомиссиянинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб, босмачиларга қарши курашда ташкилотчилик ва раҳбарчилик қилди. Турккомиссия жойлардаги аҳволни ҳар томонлама чуқур анализ қилар, босмачиларнинг тузатиш режаларини тулар ва уни амалга оширишга раҳбарлик қиларди. У ўлкадаги ҳарбий қисмларнинг аҳвалини ўрганиб чиқиб, уларнинг қўшин қайтадан тuzили. Ҳарбий қисмларнинг ҳарбий ва сийсий руҳини кўтариш чораларини кўриб, қисмларга малакали командирлар ва сийсий раҳбарларни юборди, маҳаллий аҳолидан мудоффа отрядлари, дружиналар, милициялар ташкил қилди.

Партия Туркистон халқларининг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш, уларни Қизил Армия сафида хизмат қилишга чақиритишга алоҳида эътибор берди. Бу тадбирин амалга оширишда Давлат Меҳнат ва мудоффа комитетининг 1920 йил 10 майда Туркистондаги рус бўлмаган халқларни Қизил Армия сафига чақиритиш тўғрисидаги декрети катта роль ўйнади. Шу декретга биноан Туркистонда 30 мингдан кўпроқ ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қорақалпоқ Қизил Армия сафига қақиритди.

Давлат ва мудоффа комитетининг декрети омиа томонидан қизини кутиб олган бўлсада, Совет ҳокимиятига хайрихоҳ бўлмаган унсурлар тўққилиш қилишга уришиб кўрдилар. Шу вақтда М. В. Фрунзе В. И. Ленинга мурожаат қилиб, ундан маслаҳат сўради. В. И. Ленин бу масаланинг жиддийлигини эътиборга олиб, Туркистонда маҳаллий халқлардан армия диний эътиқодига асосланиб эмас, балки миллий принципларга қараб тузилсин, деб кўрсатма берди. В. И. Лениннинг бу кўрсатмасига асосан Туркистон халқларидан иборат ба тақим, полк, бригада ва дивизиялар тuzилди. Улар интернационал принципларга асосан иш олиб бориб, ўлкадаги бутун қисмлар қаби ойна қўмондонлиги — Туркистон фронти қўмондонлигига бўйсунди, унинг раҳбарлигида иш олиб борди.

М. В. Фрунзе 1920 йил 27 майда В. И. Ленинга ёзган хатда Туркистоннинг маҳаллий халқлари босмачиларга қарши курашда актив қатнашаётганлиги ҳақида маълумот берган эди.

В. И. Ленин бошлиқ Совет ҳукумати Туркистондаги ички ва ташқи душманларни тор-мор этиш учун ўлкани зарур нарсалар билан таъминлаб туришга ҳам алоҳида эътибор берди. В. И. Ленин 1919 йилнинг апрелида Давлат Меҳнат ва мудоффа Советининг қарорини имзолаган. Унда шундай дейилди: «Республика Революцион-Ҳарбий Советига Туркистон Ҳарбий ташкилотларининг талабини имкон борида қондирини топиришсин, токи улар Ҳарбий материалларни дарҳол ва бевосита ололисинлар». Ана шу қарорга биноан Туркистон Ҳарбий қурол ва материаллар билан таъминлаб турилди.

В. И. Ленин Туркистондаги ички ва ташқи душманларни тор-мор қилишда ўлка партия, совет ташкилотларига, Революцион-Ҳарбий Советга кўрсатмалар берган. Доҳийнинг 1919 йил 2 ноябрда М. В. Фрунзегга юборган телеграммасида шундай дейилди: «Душманни тор-мор қилиш учун қандай тадбирлар қўрилганлиги тўғрисида дарҳол хабар қилинг».

В. И. Лениннинг Туркистондаги ҳарбий аҳвол билан қанчалик қизиқилишини унинг

билан В. И. Лениннинг шахсан ўзи шуғулланди.

Экин майдонларини тиклаш ва қўпайтириш, ҳосилдорлигини ошириш ва нахтанорларини дона ва саноат моллари билан таъминлаш, нахтанорларга машина ва ускуналар юбориш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларни ерларни ўзлаштириш, пахтачилик учун кадрлар тайёрлаш сингари қатор масалалар қўрилган турарди. Бу масалалар В. И. Ленин раҳбарлигида, РКП(б) Марказий Комитетининг Сийсий бюросида, РСФСР Халқ Комиссарлари Совети, Давлат Меҳнат ва мудоффа комитетининг мажлисларида кўриб чиқилди.

Мамлакатда аҳвол оғир бўлишига қарамай, пахтачиликни тиклаш учун қўп маблаг аниратилди. В. И. Ленин РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг пахтачиликни тиклаш учун 2 миллиард сўм ажратиш тўғрисидаги қарорини 1919 йил 3 сентябрда имзолади. Шу қарорга биноан мамлакатнинг марказий районларида саноат ва озиқ-овқат моллари етишмаслигига қарамай, партия ҳамда ҳукумат пахтакорларни жалла, саноат моллари билан таъминлаб турди. Халқ Комиссарлари Советининг 1920 йил 24 февралдаги қарорига асосан энгилган ҳар бир достига пахта учун Совет давлати пахтакорларга 20 аршин чинт, 5 пуд уруғ, ерларни озиқлантириш учун 20 пуд қунара ва бошқа нарсалар бера бошладилар.

Туркистонда пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш иши билан Ленин вакиллари — Турккомиссия аъзолари бевосита шуғулландилар. 1920 йилнинг 30 февралда Турккомиссия Я. Э. Рудзутак раислигида пахтачиликнинг аҳволи масаласини кўриб чиқиб, амалий тадбирлар белгиланган ва Туркистонда пахтачиликни тиклаш ҳарбий иш билан барабар олиб борилиши керак, деб кўрсатди. Шу йилнинг 20 ноябрда Турккомиссия яна пахтачилик масаласини муҳокама қилди. Туркистондаги барча ташкилотлардан пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришга куч жалб қилиш зарур деб ҳисоблади. Турккомиссия пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликни ривожлантириш, жалла етиштиришни қўпайтириш, ўлкада саноатни тиклаш ва ривожлантиришга жиддий эътибор берди, пахта тозалаш, ёр саноатини тиклашда қўпгина ишлар қилинди.

В. И. Ленин ўлкада нефть саноатини тиклашга катта эътибор бериб, шу масала юзасидан Турккомиссия аъзоларига бир неча бор телеграммалар юборди. Унинг 1920 йил 24-25 майда М. В. Фрунзегга йўллаган телеграммасида шундай дейилди: «Умуман нефть масаласи қандайлиги тўғрисида хабар қилинг». Шу йилнинг 25 майдаги телеграммасида «Нефть масаласи қандай, қандай запаслар бор, қонлар бутунми, ишлаб чиқариш қўламини қанақа, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қандай тадбирлар қўрилмоқда, ташкил олиш учун тақсимот ва маҳаллий темир йўлларнинг ахтиёжи қандай» дейилган.

М. В. Фрунзе В. И. Ленинга хат ёзиб Туркистонда нефть саноатининг аҳволи тўғрисида батафсил маълумот берди ва қонларни тиклаш учун моддий ва техникавий ёрдам беришни сўради. В. И. Ленин кўрсатмасига асосан Туркистонга нефть қонлари учун кўп машина ва ускуналар юборилди. Натияжада кўп қонлар тикланиб, ишга туширилди, жумладан Фарғона водийсидаги «Чимён» ва «Сантош» қонлари ишлаб бошладилар.

В. И. Ленин ва Коммунистик партия ўлка халқ ҳўжалигини, жумладан, саноатни ривожлантириш борасида катта ёрдам кўрсатдилар. Ҳар кунги Москвадан 45 вагон, Оренбургдан 30 вагон машина ва ускуналар юбориларди. Ўлкада иқтисодий қўлоқликка барҳам бериш учун марказий саноат районларида завод-фабрикалар қўриб келтирилди. Масалан, Россиядан Фарғонага ва Маргилонга шойи тўғриси фабрикалари кўчирилди.

Турккомиссиянинг Ленин ва Коммунистик партия раҳнамоларида маҳаллий партия, совет ташкилотларига ҳар тарафлама катта ёрдам берганлиги туфайли халқ ҳўжалигини тиклаш соҳасида катта ютуқларга эришилди.

ЯНГИ МАДАНИЯТ ЭЛ ЧИСИ

ТУРККОМИССИЯ ўлкада шаклан миллий, маъзунан социалистик маданият яратиш ҳамда ривожлантириш борасида катта ишларин амалга оширди. Бу иш социалистик маданиятни барпо қилишнинг умумий қонунчиликлари асосан амалга оширилиб, ўлка халқларининг миллий ҳусусиятлари эътиборга олинди.

Ленин Туркистонда совет мактабларини ташкил қилиш ишига катта эътибор бериб, атоқли революционер ва таъинли партия арбоби П. Н. Лепешинскийни Туркистонга юборди. У РСФСР Маориф Халқ Комиссарлигида раҳбарлик лавозимда ишлаган, катта тажрибага эга киши эди. Доҳий 1919 йилнинг 19 декабрда Ш. З. Эллавага қўйилган хатини ёзган эди: «Бу хатини берувчи П. Н. Лепешинскийни Сизга таъсия қиламан. Мен уни 1902 йилда чет элда Еженвада ишлаган вақтимдан бери биламан. Бу ерда биз бирликтида мен-синиқларга қарши кураш олиб борганми...»

П. Н. Лепешинский Туркистонда Маориф Халқ Комиссарининг уринбосари бўлиб ишлади, у унингнинг бутун куч-тажрибасини ўлкада маорифни ташкил қилиш, ривожлантириш, айнақса миллий мактабларни қўпайтиришга сарф қилди.

Ўлкада олий таълимнинг ривожланиши доҳий номи билан чамбарчас боғлиқдир. Ленин 1920 йил 7 сентябрда Туркистон Давлат университетини ташкил қилиш тўғрисидаги РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг декретига қўл қўйди. Бу университетини ташкил қилишда Москва, Петроград университетлари профессорларининг хизмати катта бўлди. Университетини ташкил қилишда Турккомиссия ва Туркибуро ҳам катта ташкилий ишларин амалга оширди.

Шундай қилиб В. И. Ленин юборган вакиллари — Турккомиссия аъзолари Коммунистик партия, Совет ҳукуматининг ҳар томонлама ёрдами ва раҳбарлигида ўлка халқларига, Туркистон Коммунистик партиясига ва ҳукуматига ҳар тарафлама амалий ёрдам берди. 1923 йилга келиб Турккомиссия ўз олдинга қўйилган вазифаларини шароф билан бажарганлигини ҳисобга олиб, РКП(б) Марказий Комитети бу комиссияни тутатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўлкада социализм қуришда Турккомиссия билан бир қаторда Туркибуро — Средабуро ҳам жуда катта ишлар қилди. Турккомиссия тутатиладан илгари ва ундан кейинги даврда Туркибуро — Средабуро ўлка партия, совет ташкилотларига, меҳнаткашларига раҳбарлик қилди.

Қ. ҲАСАНОВ, тарих фанлари кандидати, доцент.

ХАБАРЛАР,
ВОҚЕАЛАР,
ЯНГИЛИКЛАР

Шури мамлакатларда

ГБСП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

БЕРЛИН. 31 июль. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг пленуми ГДР партия ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқида қилган визити якуни бўйича қарор қабул қилди. Қарорда бу визит натижалари батамом маъқулланади.

Қабул қилинган қарорда таъкидлаб ўтиладики, Совет раҳбарлари билан фикрлашув чоғида яна намоён бўлган ва муҳолама қилинган барча масалалар жусадан қарашларнинг бир-бирларига

тўла мос келганлиги таъкидлаб ўтилади.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ГДР партия ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқида қилган визити якуни бўйича қарор қабул қилди. Қарорда бу визит натижалари батамом маъқулланади.

Қабул қилинган қарорда таъкидлаб ўтиладики, Совет раҳбарлари билан фикрлашув чоғида яна намоён бўлган ва муҳолама қилинган барча масалалар жусадан қарашларнинг бир-бирларига

«Фаластинни озод қилиш Халқ fronti» Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг энг йирик ташкилотидир. Партизанларнинг бу жанговар гуруҳлари Исроил босқинчилари эгаллаб турган араб ерларида душманга нисбатан таърифот этмайдилар. Суратда: Фаластин партизанлари нечүз олдиди.

К. Ампилов фотоси, (ТАСС).



СУХБАТ

ФЕЛЬЕТОН

Яқинда тинчлик учун курашчи, профессор Мессербранд билан суҳбатлашган муассар бўлдим. Мана уш суҳбатимизнинг стенографик ёзуви:

— Профессор, газет адабиётларида, яқин Шарқда тинчликни таъминлаш учун Исроилга 50 та Америка «Фантом» керак эмиш...

— Ҳа, албатта, «Фантом» типидagi қирувчи-бомбардировчилар тинчликка эришишда бирди-бир восита, — тасдиқлади у.

— Айтишларига қараганда, қандиримиз тинчлик ишига тўғри келмайди дея бор ҳақиқатини тан олмаётган эмиш, шу ростми?

— Бўлмасамчи! Агар бугун биз ГДРни тан олсан, эргазик унинг жаҳон уруши бошлаб, — деди суҳбатдошим қанчалар нукта назаридан гапириб.

— Тинчлик учун нима бўлса ҳам қилиш керак! — дедим чукчур ҳўрсиниб. — Айтинг-чи, профессор, тинчлик учун яна қандай воситалар ардамида кураша бўлади?

— О, бу ҳақда аявалембор ҳарбийлар бош қотиришади. — Масалан,

— Масалан, 6-флотнинг Ур-

та Ер денгизига сафарини. Биргина Америка аэнососицининг бўлишиёқ назбатдаги тенглик раёониди кескинликни аниқ олдиришга ҳал қилувчи таъсир кўрсата олади.

— Демак, Америка ҳарбий самолётларининг кўпорувилик ниятида училарини ҳам тинчликни сақлаш ва уни муҳташамлаш жараёни деб ҳисоблаш керак эканда?

— Бўлмасе нима деб ўйлабсиз! Бирок, тан олиш керак, бу соҳада Америка флотининг хизматлари жуда катта бўлади. Узоққа бормайлик, Масалан, «Пулблорнинг» Шимолйи Корея соҳилларига қилган машҳур тинчлик рейдини эсланг.

— Шимолйи корейяликлар, афтидан, Америка кемасининг дўстлик сафарини нотўғри тушушганга ўхшайдилар, ҳақиқатда мен, — тинчлик ишига яна қандай хизмат қилиш мумкин?

— Афсуски, атом синовлари модалдан қолди. Аммо-лекин, тинчлик учун курашининг яна бир муҳим воситаси топилган. Маневрлар — ҳарбий

машқлардан хабарингиз бор-дир. Ҳа, баркалло. Улар ҳар йили ёзда, кизда, қишда ва баҳорда ўтказиб турилади. Бунинг устига улар жудаям тинчликка мос билан ата-ладик.

— Афтидан Американинг машҳур ракетага қарши системаси ҳам тинчлик ишига хизмат қилса керак-а?

— Албатта-да. Яна нимага ҳам хизмат қиларди? — ҳайрон бўлди профессор.

— Элиларнинг қақириб олиниш ҳақида қандай фикрда-сиз?

— О, бундай усулни ҳеч иложсиз қолганда, ёки оддий воситалар билан тинчликни таъминлаш мумкин бўлмай қолсанга қўллаш керак.

— Ҳайрон қолсан киши, бизнинг давлат арбобларимиз тинчлик иши учун ўз жонларини ҳам аяшмади, — дедим мен, — лекин ҳеч тушунмай қолдим, бунга эър беришнинг нима фойдаси бор экан!

— Гап миллилатимиз обрўси ҳақида кетаяпти, — мендан ҳафза бўлди профессор, — бизнинг сиёсатдорларимизнинг барча ҳаракатлари тинчлик учун курашда ҳалоқат рўй бергунга қадар яна қанча уриниш мумкинлигини синишга қаратилган.

— Нима, ҳалоқат бўлиши мумкинми?

— Бўлмасамчи, лекин ҳалоқат ҳам тинчлик ишига хизмат қилади. Чунки, у тинчлик учун курашини истаётганларни шундоққина кўрсатади, қўлди.

Вольфганг ЭБЕРТ, «Цайт», Гамбург.

БОЛГАРИЯ КОМПАНИЯСИДА КОМСОМОЛ ЧАҚИРИҒИ

СОФИЯ. 31 июль. (ТАСС). Болгарияда социалистик революциянинг 25 йиллиги муносабати билан Болгария Компартияси Марказий Комитетининг Сёвсий бюроси 1969 йилининг охиригача партияга комсомол қақирғи ўтказишга қарор қилди.

РЕДАКТОР
М. ҚОРИЕВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

4 АВГУСТ, ДУШАНБА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — Кўрсатишлар программаси, 18.35 — Болалар учун концерт, 19.15 — Рус тилида теледидиолилар, 19.30 — Совет Армияси жангчилари учун аштитириш, 19.50 — Маъсуд Шайхзода поэзияси, 20.15 — Ҳаёкат тилида теледидиолилар, 20.35 — Юнори ҳосил усталари, 20.50 — Телетеатр: Н. В. Гоголь «Иван Иванович билан Иван Никифорович оралида ўтган жанал бағни», 22.15 — Сермили кино артистлари, Александр Демьяненко.

ИКИНЧИ ПРОГРАММА

15.55 — Москва кўрсатишлари, 18.00 дан Тошкент кўрсатади, 20.00 — Москва кўрсатишлари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — Душанба кўрсатишлари.

5 АВГУСТ, СЕШАНБА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 — Москва кўрсатишлари, 18.30 — Тошкент кўрсатишлари программаси, 18.35 — Рус тилида теледидиолилар, 18.50 — Кўрғиқор филми, 19.00 — Ҳасмлар учун аштитириш, 19.50 — «Орзу рицари» (бағний филм), 21.05 — Ҳаёкат тилида теледидиолилар, 21.20 — Шерзат муҳлисари: Эътибор Охунова шеърлари, 21.30 — «Турмуш ва маданият» тележурнали, 22.05 — Киноленина, 22.35 — Концерт.

ИКИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — Тошкент ва Москва кўрсатишлари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — Тошкент кўрсатади.

6 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — Кўрсатишлар программаси, 18.35 — Теледидиолилар, 19.00 — Халқ талантлари: О. Маълонова ва У. Султонов икросида концерт, 20.00 — Москва кўрсатишлари.

ИКИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — Москва кўрсатишлари, 18.30 дан Тошкент кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — Тошкент кўрсатишлари.

7 АВГУСТ, ПАШАНБА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — Кўрсатишлар программаси, 18.35 — Рус тилида теледидиолилар, 18.50 — «Ешли» студияси кўрсатади, 19.30 — Бағний филм, 21.05 — Ҳаёкат тилида теледидиолилар, 21.20 — «Ҳаёкат» чорвадори» программаси, 22.10 — «Самарқанд юлдузлари».

ИКИНЧИ ПРОГРАММА

12.00 — Москва кўрсатади, 17.00 — Фрунзе кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — Фрунзе кўрсатади.

САРИҚ ИБЛИС ҚИЁФАСИ

МУДХИШ СТАТИСТИКА

АҚШ Меҳнат министраси яқинда муҳим статистикани аёзон қилди. Унда «бахтсиз ҳолис» туфайл ҳар 8 минутда бир америкалик киши ш жойида ҳалоқ бўлмоқда дейишди. Кунига 55 киши, бир йилда эса тақминан 16 минг киши ўлб нотомолд бўлиди ташқари, ҳар йили 8.500 америкалик майбос-макрух бўлмоқда, 27 минг киши эса турли жароҳатга учрамоқда. Бу эса автомобиль фалокати туфайл олинган жароҳат сомида ҳар миға эибадир. Техника хавф-хатарига айл қилинмаганда ҳар йили 250 миллион киши юни йўтичмоқда. Агар иш шундайлиққа нелверса ишта киридан ҳар турт ёш ишчининг ута-си пенсия ишига етмаслиқ бўлиб нотоди ёки тоғирон бўлиб нотоди.

А. АЛЕКСАНДРОВ.

ЖАНОБ ПЕИШ РЕЦЕПТИ

Пирин фирмаларини куесий илмий-тадиқот ташкилоти бўлган Англия иктисод институтини профессор Франк Пейшининг «Фойдалар сиёсатининг кўтарилиши ва пасайиши» деган брошюрасини босиб чиқарди «Фойдалар кўтариб қилиш учун», деб баъди Пейш, кишлар даражасини ишта бада бўлганларга нисбатан 2,5 процент (юни ойининг охиридаги мамлакатлар) ишчилар даражаси 2,2 процент эди) ошириш шарт. Босқача қилиб айтганда, Пейш яна ўш мнглаб ишчиларни кўчага ҳайдашни тақлиф қилмоқда.

Қийин аҳволдан қутилиш учун ақоибод усул, шундай эмасми? Фақат иш учун? Ҳужайнлар учун, албатта! Лекин бу нараса фақат кўжайнларни эмас, дег-

бористлар ҳукуматини ҳам қониқтирарди. Чунки Франк Пейшининг рецепти илмий меҳнатчиларига қарши қаратилганлиги равшан кўриниб турибди.

Л. ЛЮБОВСКИЯ, (АПН).

ЖАЛЛОД — РУҲОНИЙ

Ҳатто, нақист ҳаёлий жиноятчилари таржимаи ҳолида ҳам бу нақис узрамадан бўлса керак, Гарбий Германияда чиқадиган «Шингел» журнанининг хабар қилишича, гитлерлар жаллод Матнаас Дефрегер жуда кўпдан бери Моохенх епископини илроби остида яшириниб юрибди Холбуки у ўз қўлини қўлаб беғуноҳ италийлар қони билан бўлган эди.

Бундан 25 йил муқаддам вермахт тауптмай формасияи илроб юрган Дефрегер Абруцдаги

Филетто ди Камарда деган тоғ қишлоғининг «барча аркаларини» отишга буюрган эди. Дефрегер урушдан сўнг жазоланмай қолганидан фойдаланиб, илоҳияти ургаи бошлади ва 1949 йилда руҳонийлик мансабига эга бўлди.

Бу жаллоднинг ҳали тирик эканлиги ва ўзгалар гуноҳини ювиш билан шуғулланганини аштитан Филетто ақолисининг фиғони фалакка чиқди. Ахир шу Дефрегернинг буйруги билан улар оталари, эрлари ва акаларида жуда бўлишганда-да «Агар у тирик бўлса, — дейишди улар, — дарҳол бу ёққа олиб неласин. Биз йил биринчи учратган дархастгай оқиб, аламиниздан чинамиз. Бу ёвуз босимизга не кузатларини солмади, дейсиз».

Филетто кишоғига бориб жазани «Унига» галетаси муқори-нинг азишче, қишлоқ ақолиси жаллод-руҳонийни жазоланиш талаб қилиб Бонига талбанома ёзишди.

Г. БАУДИНОВ, (АПН).

РЕКЛАМА

ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.25 — Лирин концерт, 9.30 — «Адишер Навойга қасида» (симфоник-вокал, поема), 10.30 — Чоғди куйлари, 11.15 — «Дугоналар» радиожурнали, 12.15 — Н. Хасанов ва К. Жабборов асарлари, 13.30 — Кинофильмлардан куйлар, 15.10 — «Правда» газетасининг обзор, 15.20 — «Фан ва турмуш» радиожурнали, 15.40 — Молдavia куйлари, 16.10 — Зе-трада концерт, 17.20 — Уйғур куйлари, 17.50 — «Идеология ва ҳаёт», 18.00 — Симфония раислар, 18.40 — Спорт, 19.30 — Концерт, 20.00 — «Демьянома» программаси, 20.30 — Қўшиқлар, 21.00 — «Наврош социалистик мамлакатларда», 21.10 — Концерт (қишлоқ меҳнатчилари учун), 22.20 — Концерт (8ш ижрочилар), 23.10 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Кўрсатишлар программаси, 10.00 — «Ешли» студияси, 10.30 — «Ешли» студияси, 11.20 — «Ешли» студияси, 12.00 дан — Москва кўрсатади, 12.05 — Тошкент кўрсатади, 16.55 — Кўрсатишлар программаси, 17.00 — Теледидиолилар (рус тилида), Ҳаёкат тилида, 17.10 — Сехрланган бола (болалар учун кинофильм), 17.30 — «Истиқбол эгалар» аленурнали («Ешли» студияси), 18.50 — Теледидиолилар, 19.05 — Концерт, 19.50 — Кўрсатишлар программаси ва реклама, 20.00 дан — Москва кўрсатади, ИКИНЧИ ПРОГРАММА, 15.30 дан — Москва кўрсатади, 20.00 — Спорт ҳафта ичиде (рус тилида), Ҳаёкат тилида, 20.20 — Ренла-

ма, 20.30 — Фавқулодда ҳолис (хушхотли филми), 20.50 — Достон рақслари, 21.30 — Бағний филм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Душанба кўрсатади.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМИЛ ТЕАТРАДА — 2/VII да Ажаб савдолар, 3/VII да Катта концерт.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Сокин кварталдаги қотилин — «ЧАПКА» НАВОНИЙ номи, «МОС-КВА» (кундуз ва кечурун).

Разведчиклар (кундуз ва кечурун) — 9-45 минутда, Бомбай тун оғушида (кундуз ва кечурун) — САНАТ САРОНИ.

Қор ала ҳақида арсона — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечурун).

Доктор Абст тақрибаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (ортада соат 11-45, кундуз 1-30, 3-15 минут ва 5-да).

Шошилим кино — «ЭЗБЕ КИНОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

Сангам (Ҳаёкат тилида) — ИЛ-ВОНИЙ номи (кундуз соат 4-20 минутда).

ЕЗГИ БИНОДА (Кеч соат 9 ва 10-40 минутда бошланади)

ДЮДО ДАХОСИ — ТЕЛЬМАЙ

НОМИЛ

Сокин кварталдаги қотилин — «ФЕСТИВАЛЬ».

Икки ўринли қафас — «КИБА».

«УЗКООПСТРОЙМОНТАЖ» ТРЕСТ ИГА

инженерлар курувчи, бе-гон ва темир бетон ишлаб чиқариш ҳақида конструктория бў-йича, қосидиқис-ғал таъминоти ва вентиляция бўйича.

Бошқилари молия ва шартнома бўлимига, моддий-техника таъминоти конторасига, катта режисорлар, Фарғона курувчи-молия бошқармасига бош инженер: машинистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ночий кўчаси, 5-уй (10-43, 56-аўтобуслар, 7, 10-тралейбусларнинг «Транс-тор йуғу» заводи) боқоти.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

(Киров кўчаси, экин универ-маг бинда)

ТЕЗ КУНДА

МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ

Тошкентда биринчи марта кенгир цирки артистларининг гастроллари.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХУЖАЛИК ИНСТИТУТИ

қуйдаги иктисослар бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ишлаб чиқаришдан ажрал-маган ҳола — диалектик ва тарихий материализм; илмий коммунизм назарис; сисий иктисод; эхтимолли назарис; си ва математик статистика; саноат, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигини ташкил қилиш планлаштириш ҳамда иктисоди, моддий-техника таъминоти иктисоди ва планлаштириш; молия пул муо-маласи ва кредит, хўжалик феолиятининг бухгалтерия ҳисоботи ва анализ; ҳисоб ва ҳисоб ишлари механизацияси.

ишлаб чиқаришдан ажрал-маган ҳола — диалектик ва тарихий материализм; илмий коммунизм назарис; сисий иктисод; саноат, қишлоқ хўжалигини ташкил қилиш, планлаштириш ва кредит; статистика; хўжалик феолиятининг бухгалтерия ҳисоботи ва ана-лиз; ҳисоб ва ҳисоб ишлари механизацияси.

Аспирантуранинг қатнаб ўқилишдан бўлимига 35 ёшдан катта бўлмаган ва ширти 50-йилги 45 ёшдан катта бўлмаган олий маълумоти, та-йилган мутахассилир бўйича ҳамда юни йил иш стажига

(олий ўқув юртини битирганда сўнг) эга бўлган, илмий тадиқот илавларида ўз қобилиятларини кўрсата билган кишилар қабул қилинади.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисидаги ариза институт ректори номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: фотосурат, нагрларин ҳисобга олиш шахсий нарасаси сўнгги иш жо-йидан намоат-ишлаб чиқариш харақтеристикаси, олий маълумотлиги ҳақидаги дипломинг юртисун томонидан тасдиқланган нуқсаси, кириш реферати ёки аёзон қилинган ишлари рўйхати, иш жоидан олдидан маиш тўғрисида справкка ҳамда медицина справкка (кундузги аспирантура кирувчилар учун), Паспорт ва олий ўқув юртидаги диплом шахсан кўрсатилади.

Аспирантурага кирувчилар олий ўқув юртидан програм-масы асосида икитхон тоили радилар: махсус фия бўйича, КПСС тарихи ва чет тилла-рини бирида.

Хўжақатлар 1969 йил 1 сен-табргақа қабул қилинади.

Керакл маълумотларини олиш учун институтнинг аспирантура бўлимига мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси 183-уй, 1-51 хона.

Урта Осиё темир йўли

ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ

ДЕПОСИГА

тепловозлар ремонтини бўйича сесларлар, токарлар, электр-газ пайдаланчилар, танкеланчилар, цех ёрдамчи ишчилари, электронлар ва автопогузона бошқарувчилари

КЕРАК

Ишта қабул қилинганлар илаб чиқаришдан ажралган ҳола машинист ёрдамчилигига 5 ойлик мурсларда ўқишлари мумкин

Депода ишлайдиганларга ва уларнинг олавларига ҳамма темир йўлларида юриш ҳўқуқини берадиган бепул темир йўл билети. Урта Осиё темир йўлида юриш ҳўқуқини берадиган қўшма ёқинчи билет ҳам берилади.

Шаҳар чеккаларида яшайдиганлар иш жоинга ва орғага қайтиш учун бепул билет, ва-гизлар ётоқхона билан таъминланади.

Транспорт институтлари ёки техникумларига кириб ўқишни истаганлар учун таёиров мурслари мавсуд.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Қуяшшоа шоссе, 13/22 (5 7, 12 36 автобусларнинг «Тепловоз» депоси) бо-қоти. Телефон 3-92-22-95.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» босарлари — 337283. Партия турмуши — 333489. Марксизм-ленинизм ва коммунизмни пропаганда қилиш — 331216. Халқро қат — 337041. Коммунист тарбия — 331455. Саноат маиштал қурилиш ва тарбия — 334780. Совет курилиши — 333256. Кишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332086. 337221. Фан маиштал ва олий ўқув юрти — 334451. Махаллий «хўро» ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва катлар — 338676. 333553. Иллюстрация — 334524. 330253, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48-85, Бухоро 45-141, Қарши 22-82, Наманган 21-88, Нукус 42-82, Самарқанд 31-972, Термиз 23-27, Фарғона 41-86, Ўргач 24-55.

қўчаси № 28. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337014, 339323, Маъсуд секретарь — 334455. Маъсуд секретарь ўрин-босарлари — 337283. Партия турмуши — 333489. Марксизм-ленинизм ва коммунизмни пропаганда қилиш — 331216. Халқро қат — 337041. Коммунист тарбия — 331455. Саноат маиштал қурилиш ва тарбия — 334780. Совет курилиши — 333256. Кишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332086. 337221. Фан маиштал